O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 6 март, № 46 (4961) Шанба

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мунис ва муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз ҳамиша соғиниб, орзиқиб кутадиган мана шу илк баҳор кунларида, табиат очилиб, кўнгиллар шодлик ва қувончга тўлиб бораётган шу фусункор айёмда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ сана — 8 март байрами билан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Сизларга қалбимиз тўрида бўлган энг эзгу тилакларимиз, чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этиш учун барчамизга, аввало, эркак зотига яна бир имкон берадиган, бамисоли кўклам элчиси янглиғ кириб келадиган бу байрам баҳорнинг ўзи каби қадрли ва севимлидир.

Баҳор тимсолида табиат гўзаллиги, унинг бор сеҳри ва жозибаси қанчалик яққол намоён бўлса, аёл тимсолида энг юксак инсоний фазилатлар шу қадар ёрқин намоён бўлади.

Биз одатда табиат, ер, тил ва Ватан каби мўътабар тушунчаларни "она табиат", "она ер", "она тили" ва "она Ватан" деб улуғлаймиз, уларни азиз ва меҳрибон оналаримизга қиёс этамиз. Ва бу қиёслашнинг жуда чуқур ички маъно-мазмуни борлигини англаш, тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри билан том маънода Яратганнинг тенгсиз мўъжизасидир.

Кўнглимиз фариштаси, хонадонимиз чироғи, оила таянчи бўлмиш аёл сиймоси халқимиз тасаввурида азал-азалдан эзгулик ва фидойилик тимсоли бўлиб келади. Бунинг тасдиғини эл-юртимизнинг миллий тарихи, ҳаёт ва тафаккур тарзида, аёл шаънини улуғлаб, гўзал қасидалар яратган мумтоз адабиётимиз саҳифаларида яққол кўриш мумкин.

Бизнинг аёлларга муносабатимиз, ҳеч шубҳасиз, ана шундай юксак мезонлар негизида камол топган бўлиб, аёл зотига беқиёс ҳурмат ва эҳтиром намунасини бошқалар балки биздан ўрганиши керакдир.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин онани, аёлни доимо эъзозлаб, ардоқлаб яшашга интилиш туйғусини болаларимиз ва набираларимизга, келгуси авлодимизга безавол етказиш биз учун энг олижаноб, энг буюк вазифа бўлиб қолиши зарур, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингиллар!

Биз ўз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда демократик давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, аёлларимизни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида қандай улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Бундай сиёсатнинг амалий самарасини бугунги кунда олий қонунчилик идоралари, жойлардаги вакиллик органлари ва ижро ҳокимиятидан тортиб суд-ҳуқуқ соҳасида, маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш тизимлари, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар фаолиятида, мухтасар айтганда, ҳаётимизнинг барча босқичларида кўриш, кузатиш мумкин.

Шуниси эътиборга сазоворки, хотин-қизлар юртимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиш билан бирга, ўзининг билими, профессионал малакаси ва маҳорати ҳисобидан кўпгина жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, илму фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз мамлакатимизнинг ёруғ келажагини кўзда тутган ҳолда 2010 йилни юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилдик. Бу қароримизнинг маъно-моҳиятини лўнда қилиб ифода этадиган бўлсак, кўп марта такрорланган бир ҳақиқатни яна бир бор таъкидлашга тўғри келади.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки, қайси жамият бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш унинг кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай жамият жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Биз ўз олдимизга ана шундай ўта мураккаб мақсадни қўяр эканмиз, бундай улуғ вазифани адо этиш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда аёлларимизнинг ўрни ва таъсири, буюк ҳиссасини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Яъни, эртанги кунимизнинг мустаҳкам ва ишончли пойдеворини бунёд этишда айнан аёл зоти ҳал қилувчи куч, чинакам таянчимиз ва суянчимиз бўлиб майдонга чиқишини барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

**Фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Фақат ақл-заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади.**

Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, мамлакатимизда аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган, узоқни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил жорий этилаётган дастур ва тадбирларимиз бугунги кунда ўзининг дастлабки самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради.

Бу ҳақда узоқ гапириш, кўп мисолларни олиб келиш мумкин, лекин мен фақат учта муҳим йўналиш бўйича баъзи рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, жами 41 та медални қўлга киритган бўлса, уларнинг 8 таси қизларимиз ҳиссасига тўғри келади.

Ёки санъат ва мусиқа соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Деҳли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 273 нафар ўқувчи ва талабамиз ғолибликка эришгани ва уларнинг 153 нафари қиз болалар эканини катта мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Ана шу охирги уч йил мобайнида 1 минг 464 нафар истеъдодли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозонган бўлса, уларнинг 448 нафари айнан қизларимиз экани албатта барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Айтинглар, азизлар, бундан ўн беш-йигирма йил олдин ўзгалар ҳавас қиладиган бундай улкан уфқ ва марраларга етишни тасаввур қилиш мумкинмиди? Очиқ айтиш керакки, буларни фақат ширин тушларимизда кўришимиз мумкин эди, холос.

Шу борада бугун яна бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз керак. Биз болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига қанча эътибор, куч ва маблағ сафарбар этсак, юртимиздаги ёш талантларнинг ноёб истеъдоди очилишига қанча кўп имконият туғдириб берсак, ҳеч шубҳасиз, фарзандларимизнинг илму фан, санъат, спорт ва бошқа соҳалар бўйича жаҳон шоҳсупаларига кўтарилиши учун шунчалик мустаҳкам замин яратилади, иншооллоҳ Мен бунга қатъий ишонаман.

Бундай юксак ва эзгу марраларга эришишда, авваламбор, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни жадал суръатлар билан ривожлантириш, юртимизни янада обод ва фаровон этиш масаласи биз учун доимий устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Албатта, бундай сиёсатни янада кучайтириш, унинг самарасини оширишда хотин-қизларнинг мавқеини, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий нуқтаи назардан юксалтириш ана шундай муҳим вазифаларимиз қаторига киради.

Фурсатдан фойдаланиб, мен юртимизнинг барча мард ўғлонларини аёлларга фақат байрам кунларида эмас, балки ҳамиша ҳурмат ва эътибор кўрсатиб яшашга, айнан шундай ёндашувни ўз бурчимиз деб билишга ва уни ҳаётимиз мезонига айлантиришга даъват этмоқчиман.

Токи аёлларимиз биздан рози ва мамнун бўлиб, бахтли ҳаёт кечирсин. **Зеро, оналарнинг, аёлларнинг бахти — оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистонимизнинг бахтидир.**

Қадрли опа-сингиллар!

Бугунги байрам шодиёнасида сиз, муҳтарама аёлларимизнинг фидойи қалбингиз, беминнат меҳру муҳаббатингиз учун сизларга ҳар қанча ташаккур айтсак, таъзим қилсак арзийди.

Яна бир карра самимий табригимни қабул этгайсиз.

Иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

## «Туркистон» саройида халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устувор аҳамият касб этмоқда.***

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар 5 март куни пойтахтимиздаги Ҳуррият имиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Шу куни «Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирга турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, онахонлар, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари таклиф этилди.

Тантанали тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).

# «КАМОЛОТ» МАЛИКАЛАРИ

***Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан ишлаб чиқилган Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.***

2010 йил — Баркамол авлод йили

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида бошланган "Камолот" маликаси" спорт мусобақаларининг очилиш маросимида ҳам ана шу масалалар хусусида сўз борди. Унда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари, ўқитувчи ва талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мана, тўрт йилдирки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизларни оммавий спортга кенг жалб этиш ва стол теннисини янада ривожлантириш мақсадида "Камолот" маликаси" мусобақаси ташкил этиб келинмоқда. Ҳозирги кунга қадар мазкур мусобақа доирасида юз минг нафардан кўпроқ қизлар қамраб олингани, унда фаол қатнашган олти нафар иштирокчи яшайдиган қишлоқларда теннис клубининг ташкил этилгани мазкур спорт мусобақасининг салоҳияти нечоғли юксалиб бораётганидан далолатдир.

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган анъанавий тўртинчи мусобақа Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада истеъдодли ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маърифий қадриятларни ҳаётга татбиқ этишдаги ибратли фаолиятини рағбатлантириш, баркамол хотин-қизлар авлодини вояга етказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг таклифларига биноан, аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлансин (рўйхат илова қилинади).

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Акбарова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 3 март

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2010 йил 3 мартдаги
ПҚ-1294-сон қарорига илова

## Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

**Сапекеева Айнура Полат қизи** – Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси

**Маматова Ширин Мамажоновна** – Андижон санъат коллежининг 2-босқич ўқувчиси

**Ғуломова Ҳуснияbону Эркиновна** – Бухоро шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

**Абдураҳмонова Ирода Хайруллаевна** – Жиззах давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

**Алманова Азиза Шавкат қизи** – Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси

**Жонузоқова Чаман Муродилло қизи** – Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси (Навоий вилояти)

**Жайлобова Осиё Ёрқинбой қизи** – 1-Тошкент педагогика коллежининг 2-босқич ўқувчиси (Наманган вилояти)

**Санақулова Муниса Орифовна** – Самарқанд иқтисодиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси

**Қурбонбоева Сарвиноз Каримберди қизи** – Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

**Володина Вероника Владимировна** – Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 10-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси

**Ўсарова Мафтуна Фахритдиновна** – Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

**Давлатова Шаҳнозахон Акмалжоновна** – Фарғона шаҳар санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

**Ўзбекова Гўзал Мурат қизи** – Урганч давлат университети қошидаги 4-академик лицейнинг 1-босқич ўқувчиси

**Дадамуҳамедова Нодира Акмал қизи** – В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 8-синф ўқувчиси.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# АЁЛЛАРИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ МАВҚЕИ ЮКСАЛМОҚДА

***Президентимиз ташаббуси билан сайлов тўғрисидаги қонунларимизда Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига сиёсий партиялардан номзод кўрсатишда депутатликка номзодлар умумий сонининг камида***

**30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши белгилаб қўйилган.**

***Дарҳақиқат, Истиқлол даврида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий маданияти беқиёс даражада ўсди. Ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 нафари, Сенат аъзоларининг 15 нафари хотин-қизлардир.***



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 10 март, № 47 (4962) Чоршанба

# ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

## қурилиш индустриясида янги уфқларни очмоқда

***Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида бир йўла иккита кўргазма иш бошлади. Булар "Қурилиш" 11-Ўзбекистон халқаро кўргазмаси ҳамда "Мебель, ишлаб чиқариш технологиялари, интерьер ва дизайн" 7-халқаро "MebelExpo Uzbekistan — 2010" ихтисослашган кўргазмасидир. Ташкилотчиларнинг айтишича, ушбу тадбирлар бир пайтда ўтказилишининг маълум сабаблари бор: улар мавзу жиҳатидан бири-бирини тўлдиради, бу эса тармоқлараро кооперациянинг янада ривожланишига хизмат қилиши, шубҳасиз.***



**Кўргазма**

Мутахассисларнинг фикрича, қурилиш кўламига қараб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини билиб олиш мумкин. Зотан, катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари барқарор ривожланаётган давлатлардагина олиб борилади. Агар шу мезон билан ўлчайдиган бўлсак, Ўзбекистонни жадал ривожланаётган давлатлар орасида энг пешқадами, дейишга тўла асослар бор. Негаки, юртимизга бундан 5-10 йил илгари меҳмон бўлган киши бугун бу ердаги ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушиши турган гап. Кейинги йилларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик юмушлари туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз бутунлай ўзгача қиёфа касб этаётгани бунинг тасдиғидир.

Кўргазмаларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, ана шу ўзгаришлар бевосита қурилиш материаллари саноатининг истиқболи билан боғлиқ. Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизнинг мазкур тармоғи жадал ривожланмоқда. Қурилиш учун зарур материалларнинг деярли барчасини ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши натижасида қурилиш ва бунёдкорлик юмушлари кўлами йил сайин кенгайиб бораётир.

Импорт ўрнини босувчи материаллар тайёрлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни қўллаш, янги ҳамкорлар топишда "Uzbuild" кўргазмасининг аҳамияти беқиёс. Чунки у ўтган ўн бир йил ичида соҳадаги энг йирик тадбирга айланиб улгурди. Мазкур кўргазманинг кўлами кенглиги ва иштирокчилар сони кўплиги боис, унга якунланган йилда Жаҳон кўргазмалар саноати уюшмаси (UFI) Директорлар Кенгаши қарорига кўра, янги — "UFI маъқуллаган тадбир" мақоми берилгани бунга яққол далил бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

***Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)-нинг таъсисчиларидан бири саналади ва бошқа аъзо давлатлар каби ушбу Ташкилотнинг ривожланиш стратегиясини, айни пайтда унинг халқаро сиёсатнинг бошқа субъектлари билан алоқаларини белгилашда фаол иштирок этиб келмоқда.***

**БМТ ва ШҲТ:**

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

2009 йил июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон ШҲТга раислик қилмоқда. ШҲТнинг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс равишда олиб борилган ишларнинг якунлари кўриладиган Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммити 2010 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

ШҲТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини халқаро алоқаларни ривожлантириш орқали янада мустаҳкамлаш — Ўзбекистоннинг ШҲТда раислиги давридаги устувор вазифалардан бири саналади.

**Биз ва дунё**

2009 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг БМТ ва ШҲТ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги қарорининг консенсус асосида қабул қилинишини Ўзбекистон ШҲТда раислик қилган қисқа даврда эришилган бошқа ютуқлар қаторида санаб ўтиш мумкин. Ҳужжатни ишлаб чиқиш ишида ШҲТга аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон ва Тожикистон билан бирга, Покистон ҳамда Доминикан Республикаси ҳам иштирок этди.

БМТ янгиликлар марказининг хабар беришича, қарор БМТ ва ШҲТ ўртасидаги алоқаларни янада тизимлироқ асосда йўлга қўйишга чақиради, томонлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишни илгари суради.

Қарорга мувофиқ, БМТ Бош котибига БМТ тизимидаги ихтисослашган муассасалар, ташкилотлар, дастурлар ва жамғармаларнинг ШҲТ билан уларнинг мақсадга эришишларига йўналтирилган дастурларни биргаликда амалга ошириш юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича ШҲТ Бош котиби билан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш таклиф этилади. Шу муносабат билан ушбу тузилмаларнинг раҳбарларига БМТ Бош котиби билан маслаҳатлашувларни бошлаш тавсия қилинади.

Таъкидлаш жоизки, 2004 йил декабрь ойидаёқ — БМТ Бош Ассамблеяси 59-сессиясининг ялпи мажлисида ШҲТга Бош Ассамблея ҳузуридаги кузатувчи мақомини бериш тўғрисидаги қарор (A/RES/59/48) қабул қилинганди. Ушбу муносабат билан Бош котиб Ч. Дэгуан раҳбарлигидаги ШҲТ делегацияси илк бор 2005 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 60-сессиясида қатнашди.

2007 йилдан буён ШҲТнинг барча тадбирларида БМТ Бош котибининг юқори мартабали вакиллари иштирок этиб, Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг нуфузи ошиб бораётганига гувоҳ бўлиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида ШҲТ БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО), БМТ Тараққиёт дастури ва БМТнинг бошқа тузилмалари билан алоқаларни йўлга қўйди ва ҳамкорликни кенгайтирди. Ҳозирги даврда ЭСКАТО ва ШҲТ Осиё тараққиёт банки кўмагида ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасидаги халқаро автомобиль юк ташуви бўйича қулай шароит яратиш битими лойиҳасини тайёрлаш жараёнида фаол ҳамкорлик қилмоқда. 2008 йил январь ойида ШҲТ ва ЭСКАТО котибиятлари ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Унда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аниқ шакли ва соҳалари, жумладан, биргаликдаги фаолият олиб боришни таҳлил қилиш ва ўзаро манфаатли бўлган алоқаларнинг келгуси йўналишларини муҳокама этиш мақсадида

(Давоми 2-бетда).

**Тараддуд**

***Бу йилги уйғониш, яшариш, янгиланиш айёми — Наврўзи оламни барча юртдошларимиз сингари фарғоналиклар ҳам кўтаринки кайфият, ҳар йилгидан-да ўзгача тараддуд ва иштиёқ билан қарши олишмоқда.***

# НАВРЎЗ КЎНГИЛЛАРДА УЙҒОНАДИ

Наврўз шукуҳи дилдан-дилга кўчиб, жилғалар лабига югурган яшиллик, дарахтларнинг нозик новдаларида уйғона бошлаган куртаклар юртимизга гул фасли, нафосат айёми ташрифидан дарак бера бошлади.

Ҳадемай, Фарғона вилоятидаги мингдан ортиқ маҳаллаларда ҳам бу байрам ўзига хос кўтаринкилик билан кутиб олинади. Миллий урф-одатларимиз, қадимий анъана ва удумларимизнинг гўзал намойиши байрам тадбирларига уланиб кетади.

Масалан, сўхликлар тун давомийлиги қисқариб, кун узая бошлаган дамларда "Лола сайли" ёки "Гулисурх" байрамини ўтказишади. Фарғона туманининг Хонқиз қишлоғи аҳолиси эса жамулжам бўлиб тунни қирларда қарши олишади. Данғара туманининг Оқжар қишлоғи одамлари Сирдарё бўйларида сумалак пиширишса, қуваликлар ота-боболарининг анъаналарига мувофиқ, кўкламни анор боғларида қарши олишади.

Йилдан-йилга қадр топиб келаётган удумлардан яна бири — байрам муносабати билан вилоятдаги меҳрибонлик, мурувват уйлари, 16 та мактаб-интернат, қариялар истиқомат қиладиган махсус муассасаларга ҳомий ташкилотлар, саховатпеша инсонлар томонидан меҳр-мурувват

(Давоми 4-бетда).

# ЭНГ САМАРАЛИ ВА МАҚБУЛ ЕЧИМ

**Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги ташаббуси нақадар тўғри экани амалда ўз исботини топмоқда.**

***"Биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавфсизликнинг ҳал қилувчи омили эканини яхши англаймиз".***

**Ислом КАРИМОВ.**

Бугунги кунда минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи энг долзарб халқаро муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки минтақавий осойишталикка етишмай туриб, жаҳон барқарорлигига эришиб бўлмайди. Биз яшаб турган Марказий Осиёнинг дардли, оғриқли нуқтаси бу — Афғонистондир. Демак, Афғонистон наинки минтақамиз, балки дунёнинг энг ташвишли, чигал ва қарама-қаршиликка тўла муаммосидир. Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ушбу масалага яна бир карра тўхталиб, алоҳида таъкидлаганидек: "Халқимизда "Қўшнинг тинч — сен тинч" деган мақол бежиз айтилмаган. Қўшни мамлакат ҳудудида мана шундай кескинлик сақланиб турар экан, албатта, минтақамизда тинчлик-барқарорликка нисбатан таҳдид ҳам сақланиб қолаверади".

**Қўшнинг тинч — сен тинч**

Ўзбекистон айнан шу жиҳатларни эътиборга олиб, БМТ, ЕХҲТ, НАТО/СЕАП, МДҲ ва ШҲТ доирасида ўтказилаётган халқаро ҳамда минтақавий анжуманларда Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш бўйича ўзининг амалий ташаббусларини доимий равишда баён қилиб келмоқда. Яъни бу ердаги аҳволни ўнглаш учун жафокаш афғон диёрига иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиш, ўлка инфратузилмасини тиклаш, миллий ва этник тотувликни таъминлаш, уларнинг миллий урф-одатлари ва маданиятини, диний қадриятларини, аввало, халқни ҳурмат қилиш лозимлигини уқтириб келади. Хусусан, НАТО/СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Президентимиз афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб

(Давоми 2-бетда).

Ўттиз тўрт йилдирки, зардўзлик билан шуғулланаман. Шу ҳунар этагидан тутиб, сира кам бўлмадим. Бир пайтлар устозим Моҳира Жўраевадан зардўзлик сирларини ўргангандим. Бугун эса ўзим ёшларга устозлик қилаяпман. Йигирма нафардан зиёд шогирдим бор.

# БЕҚИЁС ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Беш фарзандни вояга етказдим. Қизларим ҳам зардўзликни билишади. Биз тайёрлаган ҳунармандчилик буюмлари юртимиз санъат кошоналарини безаб турибди, хориждаги кўргазмаларга қўйилмоқда. Ўзимни бахтли она, аёл, дея бaралла айта оламан. Зеро, Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригида алоҳида қайд этилганидек, "Оналарнинг, аёлларнинг бахти — оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистонимизнинг бахтидир".

**Дил сўзи**

Бу йилги байрам тантаналари вилоятимизда ҳар қачонгидан кўра зўр шод-хуррамлик билан ўтди. Биз, аёллар шаънига илиқ сўзлар айтилди, фаол хотин-қизларга қимматбаҳо совғалар улашилди. Аёлларнинг жамиятимизда тутган мавқелари алоҳида эътироф этилди. Муҳими, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Барча соҳа қатори биз, ҳунарманд аёлларнинг эмин-эркин ишлашимиз учун ҳам шарт-шароитлар яратилган. Масалан, биргина бизнинг корхонамизда қарийб юз нафар хотин-қиз касаначилик асосида меҳнат қиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг биз, хотин-қизларга кўрсатаётган ғамхўрликларига фидойи меҳнатимиз билан жавоб берамиз, албатта.

**Ойша ТЕМИРОВА,**
**Бухоро шаҳридаги «Заркон» масъулияти чекланган жамияти зардўз-устаси, «Шуҳрат» медали соҳибаси.**

# Ишонч ёрлиғи топширилди

***Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Баxтиёр Ғуломов ушбу мамлакат Қироли Альберт II га ишонч ёрлиғини топширди.***

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия Қироллиги ўртасидаги сиёсий ва савдо-иқтисодий соҳалардаги икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболи масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, сиёсий ва иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш, маданий алоқалар ва туризмни ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

Бельгия Қироли Альберт II Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Ўзбекистон халқига самимий истакларини билдириб, бахт-саодат ва муваффақият тилади.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

**Наманган вилояти:**

# БАҲОР УЙ ТЎЙЛАРИ БИЛАН БОШЛАНДИ



**СУРАТДА:** Наманган тумани Хонобод шаҳарчасидаги янги уйлар.

***Наманган туманининг Хонобод қишлоғида тонг чоғи янграган карнай садоси кўклам муждаси янглиғ кўнгилларни яйратиб юборди.***

— Нима, бирор киши юртга ош тортаяптими? — деди кўча юзида ўтирган оқсоқоллардан бири.

— Ҳали хабарингиз йўқми? — деди бунга жавобан ёнидагиси. — Ахир кеча кечқурун кўчамиздан жар солиб ўтишди-ку, "Ҳамма эрталаб Ҳабибулла аканикига тўйга, уй тўйига!" деб.

— Э, шундоқми. Бу... ўзимизнинг дўхтирми? Куни кеча Президентимиз қарори билан қурилаётган уйлардан биттасига эга бўлдим, деганди. Юринг йўқса, қўшни, биз ҳам бир бориб қутлаб қўяйлик!

**Озод юрт манзаралари**

Ҳабибулла Турғуновнинг шундоқ катта йўл ёқасидаги яп-янги, қўшқаватли уйи, ҳовлиси бир зумда хонободликлар билан гавжумлашиб кетди. Меҳмонлар орасида вилоятдан, тумандан келган мутасаддилар, қурувчилар, ҳофизу созандалар, қўйингки, барча-барча жамулжам эди.

Ахир Ҳабибулла ака янги битган уйга биринчи бўлиб кўчиб ўтди. Шундоқ қувончли маросимда қатнашмай бўладими?

Уй соҳиби эгнида янги тўн, бошида оҳорли дўппи, белини атлас қийиқ билан сириб боғлаган. Ёнидаги қирқ йиллик жуфти ҳалоли, етти фарзанд онаси, 23 нафар невара бувижониси Шаҳзодахон ая билан қўл қовуштириб, остонада меҳмонларни қарши олаяпти. Ҳамманинг юзи-кўзида ҳавас, ҳайрат, янги уйни кўриш иштиёқи.

Ҳабибулла ака эркакларни, уй бекаси бўлса ҳамқишлоқ аёлларни ичкарига бошлайди. Хоналар билан, шароитлар билан бирма-бир таништиради: "Мана, биринчи қаватда бир эмас икки, катта-кичик меҳмонхона, ошхона. Газ, иссиқ сув, совуқ сув, ҳаммом. Иккинчи қаватда яна йўлак, зал, ётоқхона, ўғил болалар, қиз болалар учун алоҳида-алоҳида хона. Жами еттита хона. Деразалари қуёшга қараган. Уй эмас, нақ кошона!"

(Давоми 2-бетда).

# БМТ ва ШҲТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

экспертларнинг маслаҳатлашувларини ўтказиш масалалари кўзда тутилган.

БМТ ва ШҲТ ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши ҳар иккала ташкилотнинг улкан салоҳиятини биргаликдаги фаолиятга жалб этиб, ҳамкорликнинг глобал тармоғини кенгайтиради. ШҲТга аъзо ва кузатувчи ҳамда бошқа манфаатдор давлатлар, шунингдек, минтақавий ва халқаро ташкилотлар, биринчи галда БМТ ва унинг афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлари билан ҳамкорлик бу борадаги асосий йўналишлардан бири бўлиши мумкин.

ШҲТга аъзо давлатларнинг қарийб барча декларацияларида халқаро хавфсизликни қўллаб-қувватлашда БМТнинг муҳим ўрин тутиши таъкидланади ва у билан ҳамкорликни кучайтириш масаласи ўз аксини топган.

Ўзбекистон террористик хавф-хатарга халқаро миқёсда қарши курашишни ташкил этишда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчилик ўрнини мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори эканини бир неча бор эълон қилди. Шунинг учун ҳам БМТ ва ШҲТ ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири халқаро терроризмга, радикализмга, тажовузкор экстремизм ва сепаратизмга, наркотрафика ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлиши мумкин. Ушбу йўналишда ШҲТда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда аъзо давлатлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва махсус хизматлари амалий ҳамкорлигининг таъсирчан воситаси бўлган ташкилотнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) муҳим ўрин тутади. Қайд этиш лозимки, ушбу тузилма 2004 йилда Ўзбекистон ШҲТга раислик қилган даврда ташкил этилган бўлиб, унинг қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашган.

Ўзбекистон Хавфсизлик Кенгашидаги аксилтеррор қўмита каби БМТнинг ихтисослашган бўлинмалари ва тузилмалари билан, хусусан, халқаро терроризмнинг янгича анъаналари, террористик ташкилотларнинг шакллари ва фаолият усуллари ҳамда терроризмга қарши БМТ билан биргаликда халқаро миқёсда қабул қилинадиган чора-тадбирлар ҳақида ахборотлар алмашиш, МАТТнинг амалий алоқалари янада мустаҳкамланиши тарафдоридир.

БМТ билан ШҲТ ўртасидаги шерикликнинг улкан салоҳияти гуманитар ҳамкорликда кўзга ташланади. Тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига қарши курашишда тажриба алмашиш ва мувофиқлаштириш борасида муҳим ўрин тутади.

БМТ ва унинг тизимига кирувчи бошқа ташкилотларнинг ШҲТ билан ҳамкорлигини кенгайтириш БМТнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар хусусиятга эга бўлган халқаро муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги мақсад ва вазифаларини амалга оширишига хизмат қилади.

БМТ ва ШҲТ ҳамкорлиги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиёт каби устувор йўналишларда ҳамда ўзаро манфаатли бўлган бошқа соҳаларда ривожланиши керак. БМТнинг улкан тажрибаси ва ШҲТ салоҳиятининг самарали тарзда уйғунлиги ушбу ташкилотларнинг институционал такомиллашувига янгича туртки беради, минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда минтақа давлатларининг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**

# ЭНГ САМАРАЛИ ВА МАҚБУЛ ЕЧИМ

**Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги ташаббуси нақадар тўғри экани амалда ўз исботини топмоқда.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлмаслиги ҳақидаги фикрни биринчи бўлиб ўртага қўйган ва бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида "6+2" мулоқот гуруҳини "6+3" гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифни илгари сурганди. Бу гуруҳга Афғонистон билан қўшни бўлган давлатлар, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилган. Бугун ушбу ғоя нақадар тўғри экани ўз исботини топмоқда. Чунки 30 йил давомида афғон муаммосини ҳал этиш учун миллиард-миллиард доллар маблағ сарфлангани билан бу ердаги аҳвол ижобий томонга ўзгаргани йўқ, аксинча, мамлакатдаги кескинликнинг кучайиши давом этиб келмоқда. Эндиликда дунёдаги кўпгина давлатлар афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб, амалий хулосаларга келмоқдалар. Буни Афғонистонга бағишлаб Лондонда ўтказилган халқаро анжуман якунлари ҳам яққол кўрсатди. Жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакати вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда асосий эътибор Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни тиклаш, халқаро муносабатларни ривожлантириш каби масалаларга қаратилди.

Юртбошимиз, шунингдек, 2009 йилнинг июнь ойида Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган ШҲТнинг навбатдаги саммитида ҳам Афғонистон масаласида ўзининг аниқ ва асосли фикрларини билдирганди.

Афғонистон минтақамиздаги ҳудуди анча катта мамлакатдир, аҳолиси ҳам тез суръатда кўпайиб бормоқда (тахминан 30 миллионга яқин). Демак, афғон халқи табиий ресурсларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш, автомобиль ва темир йўлларни таъмирлаш, янгиларини қуриш, ирригация тизимларини барпо этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ШҲТ аъзолари, шу жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. Аммо 1979 йилнинг декабридан бери давом этаётган қуролли тўқнашувлар, миллий ва этник тотувликнинг йўқлиги, марказий ҳокимият бошқарувидаги мавжуд муаммолар, ташқаридан аралашув оқибатида мамлакат мисли кўрилмаган даражадаги қурол-аслаҳаларга тўлиб кетганки, бу ҳолат Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий ҳаётини бутунлай издан чиқариб юборган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, афғон диёрида аҳолининг ярмидан кўпи наркотик модда етиштириш ёки уни сотиш билан машғул. Жумладан, 2005 йилда 4,5 минг тонна, 2007 йилда салкам 8 минг тонна қорадори етиштирилган бўлса, 2009 йилда Афғонистоннинг 200 минг гектар ерига экилган "заҳри қотил"дан салкам 10 минг тонна наркотик маҳсулот олиниши мумкинлиги тахмин қилинган.

Бундан ташқари, 30 йиллик нотинчлик бир неча миллион афғонларнинг ўзга юртларда дарбадар бўлишига сабаб бўлди. Бугун ҳам қуролли тўқнашувлардан безиллаб қолган афғонларни Покистон, Эрон, Европа ва МДҲ мамлакатларида учратиш мумкин. Энг ачинарлиси, ўттиз йиллик давр мобайнида туғилган авлод маърифат ва маънавиятдан йироқ бўлиб шаклланган.

Бу каби кишини ўйлантириб қўядиган мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шундай экан, Афғонистондаги вазиятни ҳарбий воситаларда, мислсиз қурол-яроғлару ҳарбий кучлар кўмагида ҳал этиб бўладими? Албатта, йўқ. Унинг сиёсий ечими Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистонда барқарорликка эришиш борасидаги "6+3" гуруҳини юзага келтиришдир.

"6+2" мулоқот гуруҳи самарали иш олиб боргани каби "6+3" гуруҳининг муваффақиятли фаолият кўрсатишига халқаро жамоатчилик умид боғламоқда. Чунки Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, мазкур давлатда қонли тўқнашувлар, инсон ресурслари ва моддий йўқотишларнинг олдини олиш, шунингдек, афғон халқининг анъаналари, дини, миллий ва маданий қадриятларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга қаратилган беш муҳим ташаббус (Президентимизнинг НАТО/СЕАП саммитидаги нутқида илгари сурилган беш ташаббус) ёрдамида афғон муаммосини бартараф этишнинг энг самарали ва мақбул услублари намоён бўлиши, шубҳасиз. Оддийроқ қилиб айтганда, "6+3" гуруҳининг юзага келиши афғон муаммосининг сиёсий, демакки, дипломатик воситалар билан ечимига олиб боради. Бу, ўз навбатида, Афғонистондаги вазиятни ҳарбий воситалар билан ҳал этилишига чек қўяди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ён қўшнимиз бўлмиш афғон диёрида ҳамиша тинчлик ва осойишталик ҳукм суришини истаб келган, бу ўлка халқига доимо ёрдам қўлини чўзган. Бунга давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида келтирилган қуйидаги далиллар ҳам яққол мисол бўла олади: "2010 йилда Ўзбекистон бу мамлакатга етказиб бераётган электр энергияси миқдори ўтган йиллардагига нисбатан 6 баробарга оширилди. Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахассислари томонидан "Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф" темир йўлини қуриш ишлари бошланмоқда ва у йил охирига қадар якунига етказилиши кўзда тутилган".

Албатта, бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Демак, мамлакатимиз ўз ташаббусларини амалий саъй-ҳаракатлари орқали ҳам намоён этмоқда.

Ўзбекистон томони халқаро анжуманларда бир неча бор баён этганидек, афғон диёридаги зиддиятни бартараф этиш жараёнига, аввало, кўп миллатли Афғонистон халқининг ўзи жалб этилиши даркор. Демак, мамлакат тақдири Афғонистон халқининг ўзига боғлиқ. Ушбу ҳудудда тинчлик ўрнатилиши Марказий ва Жанубий Осиёда изчил иқтисодий тараққиёт, узоқ муддатли барқарорликни таъминлаш учун ҳам кенг имкониятлар йўлини очади. Зеро, Афғонистоннинг осойишталиги минтақамиз ва дунёнинг тинчлиги демакдир.

**Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

## қурилиш индустриясида янги уфқларни очмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу галги кўргазмада жаҳоннинг 15 мамлакатидан 120 та компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Улар томонидан замонавий қурилиш техникалари ва ускуналари, қурилиш ашёлари ва хизматлар таклиф этилмоқда. Эътиборлиси, маҳсулотлар бозорида ўзбекистонлик ишбилармонларнинг иштироки аввалги йиллардагига нисбатан сезиларли даражада кенгайган. Бу юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат кўрсаткичлари бўйича рақобатга кириша олаётганидан далолат беради.

— Юртингизда хорижлик ишбилармонлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган, — дейди "Silkcoat Paint" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси директори Ҳасан Каздал. — Ўзимиздан қиёс: корхонамиз 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, бу ерда қурилиш учун бўёқ маҳсулотлари ва турли қоплама материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Дастлаб икки хилдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 20 тадан ошиб кетди. Улар юқори сифати билан аҳоли ва қурилиш ташкилотларига манзур бўлмоқда. Шу боис кўргазманинг биринчи кунидаёқ кўплаб шартномалар имзоладик. Буюртмалардан келиб чиқиб, яна 10 турдаги маҳсулот тайёрлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Уларни кейинги кўргазмада намойиш этиш ниятидамиз.

"MebelExpo Uzbekistan — 2010" кўргазмасига ажратилган майдон ҳам қизиқувчилар билан гавжум. Унда юртимиз ишлаб чиқарувчиларидан ташқари, Австрия, Беларусь, Германия, Эрон, Италия, Хитой, Словения, Туркия сингари дунёнинг 10 мамлакатидан 30 га яқин компания ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон мебель саноатида кучли рақобат яратилган. Бу мебелсозликнинг ривожланишида, ички ва ташқи бозор учун харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этаяпти. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 июлдаги "Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, мебелсозларга бир қатор имтиёзлар берилгани муҳим омил бўлаётир.




Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар билан яқиндан танишган кишилар, айниқса, республикамизда мебель ишлаб чиқариш соҳасида етакчи корхоналардан ҳисобланган "Файз" холдинг компанияси маҳсулотларига юқори баҳо беришмоқда. Чунки бу ерда Германия технологияси асосида дунё стандартларига тўла жавоб берадиган ётоқхона, ошхона, меҳмонхона ва офис мебеллари, халқ таълими ва тиббиёт муассасалари учун махсус жиҳозлар, шунингдек, юмшоқ мебеллар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, соҳада зарур бўлган иккиламчи материаллар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, улар юртимиздаги турдош корхоналарга етказиб берилмоқда. Кўргазма доирасида компаниянинг бу каби имкониятлари билан танишган бир қанча чет эллик ишбилармонлар улар билан ҳамкорлик қилиш истагини билдиришмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мебелга бўлган эҳтиёж ортиб бораётгани тизимга замонавий ускуналар, инновацион ишланмаларни жорий қилишни, ишлаб чиқаришда юқори сифатли хом ашё ва бутловчи буюмлардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Кўргазмада мебель ишлаб чиқарувчиларга бу борада ҳамкорлар топиш учун барча имкониятлар яратиб берилгани диққатга сазовордир.

Кўргазмалар 12 мартгача фаолият кўрсатади.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

***Мамлакатимизда амалга оширилаётганислоҳотлар, хусусан, аграр секторни ривожлантириш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида фермерларимиз нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уларни қайта ишлаш борасида ҳам катта тажрибага эга бўлиб бораётир.***

## *Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари:*

# ЗАМОНАВИЙ САҚЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ – ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

**Тадбир**

Бу эса, ўз навбатида, ички бозоримизни ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилаётир. Жумладан, ҳозирги кунда республикамизда 80 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 22 мингдан кўпроғи узумчилик ва боғдорчилик, 4 мингдан зиёдроғи эса сабзавотчилик ҳамда полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашгандир.

Кўриниб турибдики, ушбу йўналишларда ҳам фермерларимизнинг ҳиссаси салмоқли. Шундай экан, мулкдорларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига илғор технологияларни жорий этиш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш шу куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда "Global Gold Ghain Alliance" халқаро уюшмаси кўмагида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ўзбекистон Бизнес Форуми", АҚШ халқаро агентлигининг "AgLinks" лойиҳалари доирасида ташкил этилган "Тадбиркорлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини совитилган ҳолда сақлашнинг замонавий масалалари" мавзуидаги семинарда ана шулар хусусида фикр юритилди.

Семинарда, шунингдек, тегишли компания вакиллари, тадбиркорлар ва фермерларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини совитилган ҳолда сақлаш тўғрисида батафсил маълумотлар берилмоқда. Тармоққа замонавий технологияларни жалб қилиш орқали келгусида хориж бозорларига дала ва боғ неъматларини чиқариш имкониятлари янада кенгаяди.

Семинар ўз ишини давом эттирмоқда.

**Д. МУРОДОВ.**

# Кредит даромад келтирмоқда

***Қизилтепа туманилик тадбиркор Абдумалик Тешаев банкдан олган 140 миллион сўм кредит эвазига қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонани ишга туширди.***

Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган "Файз инвест плюс" хусусий корхонасида йилига 1200 дона темир-бетон плита ҳамда кўплаб бошқа қурилишбоп материаллар тайёрланмоқда.

Корхона фойдаланишга топширилиши билан 30 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Наманган вилояти:

# БАҲОР УЙ ТЎЙЛАРИ БИЛАН БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Шундай улуғ, хайрли ишларнинг бошида турган Президентимизга минг раҳмат! Уйни қурган қўли гул инсонлардан айланай, — дейди ҳаяжон билан Шаҳзодахон ая. — Болаларимни, невараларимни яйраганини кўрсангиз... Илоҳим, ҳаммаларингни шундай янги уйларга етказсин! Хуш келибсизлар!

Туман ҳокимлиги вакили Наманган вилояти ҳокимининг қарорини ўқиб бераркан, Турғуновга қўш қаватли уй ва ер участкасининг гувоҳномасини топширди. Вилоят бош архитектори вазифасини бажарувчи Адҳамжон Дадабоев бўлса, янги уйнинг рамзий калитини Шаҳзодахон аяга тутқазди. Айни пайтда у вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида йиғилганларга қисқагина сўзлаб берди.

— Хабарингиз бор, 2009 йил 3 августда давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинганди, — деди А. Дадабоев. — Унда банк-кредит муассасалари, меъмору муҳандислар, қурувчилар олдида турган вазифалар аниқ қилиб белгилаб берилган. Шунга кўра, республикамизда 2009 — 2010 йилларда 260,5 миллиард сўм, шу жумладан, 2009 йилда 65,5 миллиард сўм миқдорида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредитлаш манбалари аниқлаб олинди.

Вилоятимизда ҳам қарорни ҳаётга жорий этиш борасида ишлар жадал олиб борилаяпти. Мана, сизларнинг қишлоғингизни ўзида қурилаётган 28 та икки қаватли уйнинг тўрттаси баҳорнинг шу дастлабки кунларида фойдаланишга топширилди. Қолгани Наврўз байрамигача битказилади. Янгитдан бунёд бўлаётган Хонобод шаҳарчасининг иккинчи навбати қурилишига ҳам аллақачон киришилган. Қишлоғингизнинг ўзидаги бу бунёдкорлик ишларига 1,8 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Бундай қурилишлар Косонсой туманининг Қўқумбой, Поп туманининг Санг, Учқўрғон туманининг Яшиқобод, Тўрақўрғон туманининг Исфархон, Мингбулоқ туманининг Момохол... Хуллас, вилоятимизнинг деярли ҳамма туманларида қизғин кетаяпти. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳлига, унинг турмуш фаровонлигига ғамхўрликнинг ёрқин кўринишидир. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган бу уй-жойлар банк кредитлари ҳисобига, узоқ муддатда узиш шарти билан қуриб берилаяпти. Яна бир эътиборли томони, яқин вақт ичида юқоридаги қарор асосида ана шу уй-жойлар ёнида маданий-маиший бинолар, савдо мажмуалари, спорт иншоотлари ҳам қад ростлайди.

Бугунги тадбир Наманганда уй тўйларининг бошланиши. Наврўз байрами бундай шодиёналарга уланиб кетади...

Хонадон соҳиби Ҳабибулла ака ҳамда юз-кўзларидан нур ёғилиб турган бир гуруҳ отахонлар билан бир пиёла чой устида гурунглашдик.

— Отамиз мени уйлантирганларидан кейин, 47 ёшларида бу оламдан ўтиб кетдилар, — дейди Ҳабибулла ака. — Ўн фарзанд эдик. Қолган ука-сингилларимни уйлаб, жой-жойига қўйиш менинг зиммамга тушган. Ўзим вилоят шифохонасида ишлардим. Қўлим калта бўлгани учун жамоа хўжаликларидан 2-3 гектар ерни ижарага олиб, деҳқончилик ҳам қилардим. Очиғи, уй-жой, бир парча ер қадрини бошидан ўтказган одамгина билади. Укаларимнинг оиласи, бола-чақаси билан дўппидек ҳовлида уч-тўрт оила бўлиб яшаганмиз. У пайтлар уй-жой қуриш учун ер олиш муаммо эди. Ўша кунларни эсласам, Юртбошимизнинг донолигига, халқпарварлигига қойил қоламан. Ўзингиз ўйланг, мустақиллик шарофати билан қанчадан-қанча ерлар аҳолига уй-жой қуриш, томорқа учун хатлаб берилди. Бизнинг катта оиламиз — ука-сингилларим, ўғлим, олти қизим ҳам шулар қаторида ўз ерига, ўз уйига эга бўлди.

— Илгарилари одамлар пули бўлса ҳам уй сололмасди, — суҳбатга қўшилади Хонободнинг табаррук қарияларидан яна бири Абдусалом ота Раҳмонов. — Мана, энди бу уйларни қаранг. Ҳавас қиласиз. Бир кун келиб, оддий қишлоқ одами шундай шоҳона хонадонларда яшаши етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Давлатимиз раҳбари ҳалол меҳнат қил, тадбиркор бўл, топ, қур, ярат, яша, деяптилар. Уйни пишиқ ғиштдан, бир неча авлодга ярайдиган қилиб қуринглар, деяптилар. Қишлоқларга борсалар, одамлардан қанақа машинаси борлигини, қандай яшаётганлигини, турмуш шароити, имконияти қандайлигини сўраб-суриштирадилар. "Сизлар қанчалик яхши яшасанглар, бой-бадавлат бўлсанглар, мен ўзимни шунчалик бахтли ҳисоблайман", дейдилар. Айтинглар, замон замон бўлиб, ҳеч шунақаси бўлганми? Ёши тўқсонга бораётган, икки аср юзини кўрган одам сифатида айтсам, йўқ, бўлмаган! Шуларни ўйлаб, "Бахтимизга, фарзандларимиз бахтига Юртбошимиз омон бўлсинлар" деб дуо қиламиз.



Ҳабибулла Турғунов оиласи. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

— Ҳар қанча дуо қилсангиз арзийди, — дейди оқсоқоллар суҳбатини жимгина тинглаб ўтирган қурувчилар вакили, бош пудратчи — "Наманган таъминот қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти бригада бошлиғи Абдужаббор Мамадалиев. — Менинг қурилишда ишлаётганимга бу йил ропа-роса 34 йил бўлди. Тўғри, авваллари ҳам турли туманларда турар-жойлар қурганмиз. Асосан, бетондан, бир хонали, нари борса, икки-уч хонали, каталакдек тор, шунчаки бошпана, омонат уйлар эди.

Шунча йил ишлаб, қурилиш қанақа бўлиши кераклигини мана энди юракдан ҳис қилаяпман. Аввало, бу уй-жойларнинг меъморий ечимига, кўринишига, сифатига гап йўқ! Уй эгаларининг ўзлари оила аъзолари сони, шароитига қараб, бир неча хил лойиҳалар орасидан ўзларига ёққанини танлаб олишган. Кейин бинонинг қурилиши замонавий лойиҳа, смета асосида олиб борилаяпти. Цемент, ғишт каби қурилиш хом ашёлари жуда ҳам сифатли. Қурилишнинг боришини, ҳар бир ишнинг бекаму-кўст бажарилишини тегишли мутасаддилар, меъмору муҳандислар назорат қилиб туришибди.

— Истиқлол туфайли ўзбек бинокорлиги, меъморчилиги янги босқичга кўтарилди, — дейди Адҳамжон Дадабоев. — Қурувчи-меъморларнинг билиму иқтидори, малака-маҳорати, ҳаётдаги ўрни, ҳурмат-эътибори ошди. Қурилиш иши санъат даражасига етди. Вилоятимиз марказидаги, пойтахтимиздаги бири-биридан муҳташам, маҳобатли, гўзал биноларни кўриб, биласизми, хаёлимга нималар келади? Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг "Бизнинг қудратимизга шубҳа қилганлар, биз қурган биноларга боқсинлар", деган пурҳикмат сўзлари келади. Шу гапга қиёслаб, "Ўзбекистонимизнинг бойлигига, буюк келажагига шубҳа қилганлар, мустақиллик йилларида шаҳару қишлоқларимизда қад ростлаган йўл ва кўприкларимизга, муҳташам биноларимизга, уй-жойларимизга бир назар солсинлар", дегим келади.

Шу ерда мақолага нуқта қўйсак ҳам бўларди. Аммо меҳмонлар орасида муҳокама бўлиб, хаёлимиздан кўтарилган бир гапни айтмасак бўлмас.

Уй тўйининг авжи палласида десангиз, оқсоқоллар ўртасида бир яхши гап бўлди. "Замонавий Хонобод шаҳарчамизнинг дастлабки кўчаси ҳам пайдо бўлди. Унга муносиб ном қўяйлик энди", дейишди улар. Биров у деди, биров бу. Биз эса, эндигина кўчиб кирилган уй ҳовлисидаги экилган бодом, хурмо, ўрик, олма, гилос каби кўчатларга, пиёз, карам, шивит сингари резаворларга, мўъжазгина иссиқхонага, гул экишга тайёрлаб қўйилган майдончага маҳлиё бўлиб, оқсоқолларнинг баҳс-мунозарада қандай тўхтамга келганликларини билолмай қолгандик.

Йўқ. Мана! Қайтаётиб, биринчи уйга — Ҳабибулла аканинг хонадони ёнбошидаги чиройли ёзувга кўзимиз тушди. Хонободликлар кенгашиб, бир қарорга келишибди: Баркамол ёшлар кўчаси.

Топиб қўйилган ном. Узукка кўз тушгандек муносиб ном! Шундай эмасми?

**Али ЗИЁДОВ.**